



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 22 июнь, № 121 (5288)

Чоршанба

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

«Бешарик Текстиль»нинг дадил одимлари

Яқин кунларда корхона таркибда пайпоқ ишлаб чиқариш цехи фаолият кўрсата бошлади. Ушбу янги линияни ишга тушириш учун 433 минг АҚШ доллари миқдоридида хорижий инвестиция киритилди.

Айтиш жоизки, корхона тўлиқ модернизация қилиниши туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ошди. Биргина жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 2,5 миллион сўмга яқин маҳсулот тайёрланди.

Буюртмачиларга 180 тонна калава ип, 232 тонна мато, 780 минг донага яқин кийим-кечак етказиб берилди.

Умуман, корхона меҳнат аҳли йил давомида 6,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни мақсад қилган. Шундан 3,6 миллион АҚШ доллари миқдоридида маҳсулотни экспортга йўналтириш режалаштирилмоқда.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Деворбон материаллар кўпаяди

Ушбу корхонани бунёд этиш учун 342 миллион сўм сарфланди. Хозир 20 киши меҳнат қилаётган мазкур жамиятда замонавий технологиялар ёрдамида ойига 1 миллион донадан ортиқ сифатли гишт ишлаб чиқарилиб, худуддаги қурилиш ташкилотларига етказиб берилаётир.

Этиборли жиҳати, шу йилнинг ўтган беш ойи давомида туманда 18 миллиард 836 миллион сўмликдан зиёд саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

О. РАХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хонободлик ёшларга совға

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши томонидан 150 миллион сўм сарфланди. Хозир бу ерда хонободлик ёшларнинг маданий хордиқ чиқаришлари ҳамда кўнгилочар тадбирлар ўтказишлари учун барча шарт-шароит яратилган.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Инновациялар ривожига эътибор

Шу боис юртимизда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлашга, инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори айнан шу жиҳатдан улкан дастурий аҳамиятга эга ҳужжатдир.

Мазкур қарорга биноан, 2008 йилдан бошланиб, бугунги кунгача тўрт марта ўтказилган Республика инновацион форумлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида иқтисодиётнинг реал секторига амалий-илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва шартномалиқ ишланмаларни жорий этиш бўйича кўплаб тахтовлар ва келишувлар имзоланди.

(Давоми 2-бетда).

Шаҳар йўловчи транспорти ва ИЖРО масъулияти

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасига фуқаролардан келиб тушадиган муурожаатларда шаҳар йўловчи транспорти билан боғлиқ масалалар салмоқли ўринини эгаллайди. Кимдир шаҳар транспортида хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш кераклигини таъкидлаганда, яна кимдир тармоқдаги айрим муаммолар ечими ҳақида мулоҳаза юритади.

Ушбу муурожаатлар таҳлили асосида қўмита томонидан махсус ишчи гуруҳи ташкил этилиб, «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг жойлардаги ижроси назорат таҳлил тартибидида ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижалари Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг

Парламент назорати

яқинда бўлиб ўтган йиғилишида атрофича муҳокама этилиб, бу борадаги муаммо ва камчиликлар кўриб чиқилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Дарҳақиқат, йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимизда шаҳар йўловчи ташити транспорти соҳасида

(Давоми 2-бетда).

АХБОРОТ ХИЗМАТИ — ИСЛОҲОТЛАР ТАРҒИБОТЧИСИ

Бугунги кунда ахборотга бўлган эҳтиёж, яъни уни қабул қилиш ва тарқатиш инсон фаолиятининг муҳим қисмига айланган. Шунинг учун замон шиддати ҳар қандай давлат бошқаруви органлари ва жамоатчилик ташкилотлари олдига улкан вазифалар қўймоқда. Бинобарин, жамият ҳаёти ва давлат органларининг очкиклиги шу муассасалардаги ахборот хизматлари фаолиятига бевосита дахлдордир.

Таъкидлаш лозимки, глобаллашадиган шароитда кечиккан ёки сир тутилган ахборот ўрнини жамоатчиликнинг фикри ва дунёқараши турли муносабатлар бошқа ўзгага солиб юбориши мумкин бўлган нотўғри маълумотлар эгалаши ҳеч гап эмас. Шу боис фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришда, оммавий ахборот воситаларида мамлакатимизда юз бераётган улкан ўзгаришлар, олиб борилаётган исчилохотларни кенг ва фаол тарғиб этишда, уларни зарур маълумотлар билан таъминлашда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимлик ва жамоат бирлашмаларининг ахборот хизматлари муҳим ўрин тутаяди.

Бу борада мамлакатимизда мустақкам қонунчилик асослари яратилган. Давлатимиз раҳбари

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Ислом Каримов парламентимизнинг қўшма мажлисида илгари сурган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик

жамиятини ривожлантириш концепциясида бу соҳада самарали ҳуқуқий механизмни такомиллаштириш мақсадида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва қаролатлари тўғрисида»ги ҳамда бошқа қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритишни таъкидлаган. «Бунда, — деган эди Юрғобимиз, — ҳусусан, давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари, медиатизмлар ишчи фаолаштириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларни кўзда тутиш лозим. Оммавий ахборот воситаларининг

ахборот олиш юзасидан муурожаатларни кўриб чиқиш мuddатларини қисқартириш, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтириш ва бошқа чора-тадбирларни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмлар устида иш олиб бориш зарур».

Фуқаролик жамиятини барпо этишда зиммасига катта масъулият юкланган ташкилот ва муассасаларнинг жамоатчилик билан алоқаларини бажарувчи масъул шахсларни ҳуқуқ-маърифат тарғиботчилари сифатида жамиятда кечадиган ислохотларни нафақат қўллаб-қувватлаш борасидаги ислохотларнинг самарадорлигини оширишга маърифий хизмат кўрсатиши, унинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунарли қилиб еткази олиши лозим. Бу эса давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари ишчи мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо қилади.

(Давоми 2-бетда).

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ ВА ФИДОЙИ МЕҲНАТ

Чустлик тадбиркорлар бугун азалий урф-одатларимизни асраб-авайлаш ва хунармандчиликни янада ривожлантиришда фаоллик кўрсатишмоқда.



Чуст шахрининг дилкаш, қўлигул, меҳмоннавоз одамлари билан суҳбатлашганминосиз? Чуст дўпписи, Чуст пичоғини биламиз, дейсиз-да. Буям тўғри! Чуст ўзининг уста хунармандлари билан азалдан машхур. Хунармандки, янгиликка, яратишга мойил.

— Мустақиллик биз учун катта имкониятлар эшигини очиб берди, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари Алишер Абдулҳодиев. — Истиқлол йилларида кўплаб оддий хунармандларимиз тадбиркорга, кичик устаноналаримиз иқтисодий бакуват, рақобатбардош саноат корхоналарига айланди.

Бугун ўша Чуст дўпписи, пичоғи атамалари билан ёнма-ён Чуст чинниси, мармари, металлгалантереси, трикотажки, матбаачилиги каби иборалар ҳам пайдо бўлдики, буларнинг ҳаммаси истиқлолнинг улуг незматларидир. Шаҳардаги «Stylectextile» масъулияти чекланган жамияти фаолиятига

эътибор қилинг. Корхона бугунги кунда маҳсулотларини юз фоиз экспорт қилмоқда. Яқинда корхона халқаро тендерда қатнашиб, голиб чиқди ва зиммасига 2014 йилда Сочи шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпиада иштирокчиларига 3 миллион долларлик спорт формалари тайёрлаб бериш мажбуриятини олди.

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимизда «Хотин-қизларнинг сиёсат ва жамият ҳаётидаги роли: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатдан турли соҳаларда хизмат қилаётган раҳбар аёллар, Германиянинг Фридрих Эберт номидаги жамғармаси минтақавий вакиллари иштирок этди.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ СИЁСАТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ РОЛИ

Тадбирда мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, манфаатларини ҳимоя қилиш, интеллектуал салоҳияти ва истеъдодини рўёбга чиқариш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди. Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қиз-

моқда, уларга ўз бизнесини бошлаш учун микрокредитлар олишда ёрдам кўрсатилаёпти, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларда етакчилик фаилатларини шакл-

лантириш мақсадида семинарлар ўтказилаётир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида аёлларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилиш ишларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида кўплаб тадбиркор аёлларга имтиёзли кредитлар ажратилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизларнинг сиёсат ва жамият ҳаётидаги ўрнини оқсалтириш ва мустаҳкамлаш борасида халқаро тажрибани ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Биз ва ҳаҳон

Йўналишларида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жойларда хотин-қизлар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш марказларини ташкил этиш ана шундай лойиҳалардан биридир. Мазкур кўп тармоқли марказларда хотин-қизлар янги касбаларни эгалламоқда, бизнес сир-асрорларини ўрган-

(Давоми 3-бетда).

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашнинг муҳим асосларидан бири бўлган ички ишлар идоралари тизимини ислох қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, мазкур соҳа учун ҳар томонлама етуқ, малака-ли ҳамда профессионал кадрларни тайёрлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси, Тошкент олий ҳарбий техник билим юрти, Ёнги хавфсизлиги олий техник мактаби фаолиятининг йўлга қўйилгани амалда ўз самараларини бермоқда.

БИЛИМЛИ ВА САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР

тараққиётимизнинг муҳим омилidir

Замонавий моддий-техник базага эга бундай илм даргоҳларидаги таълим жараёни бугунги кун талаблари асосида олиб борилаётган бўлиб, бўлажак мутахассислар нафақат назарий, балки амалий кўникмаларини ҳам мустаҳкамламоқдалар. Бу эса, уларга ўз хизмат вазифаларини адо этишларида жуда катта ёрдам бераёпти.

Анъанага қўра, ҳар йили ана шу таълим масканларини битираётган ёшларни масъулият

Фахр тўхона фаолият кўрсатаётир. Унинг ли ва айни пайтда шарафли бурчларини адо этишга кузатиш маросими катта тантананага айланади. Унда ички ишлар вазирлиги жамоаси, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар, шунингдек, битирувчиларнинг ота-оналари иштирок этишади. Ҳақиқатан ҳам бундай байрамона тадбир кунча Ички ишлар вазирлиги Ёнги хавфсизлиги олий техник мактабиди ҳам бўлиб ўтди. Унда мазкур мактабнинг навбатдаги битирувчиларига дипломлар топширилди ҳамда офицерлик унвони берилди.

Малака ошириш факультетида ички ишлар идоралари офицерлар таркиби ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг муҳандис-техник ходимлари учун малака ошириш ўқув курслари ҳам ташкил этилади.

Тантанали маросимда сўз олган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги, генерал-лейтенант В. Матлобов, Ёнги хавфсизлиги олий техник мактаби бошлиғи, полковник Т. Наҳидов ҳамда бошқалар ана шуларни таъкидлаб, битирувчиларга масъулиятли вазифаларида омадлар тилашди.

Олий ҳарбий божхона институтининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва офицерлик унвонини беришга бағишланган тантанали маросим ҳам кўтаринки кайфиятда ўтди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур таълим даргоҳи Президентимиз ташаббуси билан 2003 йилда ташкил этилган. У Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Бу ерда тингловчиларга яратиб берилган шарт-шароитлар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Жумладан, 10 та кафедра, иختисослаштирилган хоналар, лабораториялар, амалий машғулот майдончалари мавжуд бўлиб, улар бўлажак божхона ходимларининг соҳа ҳақида муайян билимга эга бўлишларида муҳим аҳамият касб этаётир. Ҳар йили давлат таълим стандартлари асосида тасдиқланган режага мувофиқ олиб борилади. Бунда тингловчилар иқтисодий, ҳуқуқий, гуманитар ва фундаментал фанлар бўйича билимларини мустаҳкамлайдилар. Шунингдек, божхона назоратини ташкил қилиш, божхона органлари фаолиятига жорий этилган ягона автоматлаштирилган ахборот тизимлари, божхона соҳасидаги хавфларни баҳолаш ва бошқариш тизими, халқаро савдонга енгиллаштиришда хавфсизлик стандартларини ўзлаштирилади. Институтда олинган назарий билимларни бевосита божхона амалиёти билан ўзлаштириш бўлажак божхоначиларда танлаган мутахассисликлар бўйича дастлабки кўникмаларни ҳосил қилиш мақсадида уларнинг Давлат божхона қўмитаси, худудий божхона бошқармалари бўлимлари, божхона комплекслари ва постларда амалиёти ўтлашлари йўлга қўйилган.

Мазкур ўқув йилида Олий ҳарбий божхона институтини 121 нафар тингловчи битириб чиқди. Энди улар Ватанимиз хавфсизлиги ва тараққиётини таъминлашдек эзгу ишларга ҳисса қўлишга киришадилар.

Шавкат ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хуудий дастурлар доирасида

Мамлакатимизда 2011 йилнинг 219 мингта янги иш ўрни дастлабки уч ойида яратилди.

Бир рақам шарҳи

Эътибор берган бўлсангиз, кейинги пайтларда дунё матбуотида ишсизлик масаласи тез-тез тилга олинмоқда. Сабаби, ҳаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўплаб ижтимоий масалалар, хусусан, ишсизлик муаммосини ҳам кучайтириб юборди. Ана шундай мураккаб бир вазиятда Ўзбекистонда ҳар йили юз минглаб янги иш жойлари яратилиб, аҳоли бандлиги таъминланаётгани халқаро экспертлар томонидан юксак баҳоланаёпти.

Чиндан ҳам, бундай юқори натижага эришиш ҳазилакам иш эмас. Унинг замирида Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган оқилона ислохотлар, ҳаётий дастурларнинг иж-

роси мужассамдир. Зотан, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари ташкил этиш мамлакатимизни муваффақиятли ҳамда барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Янги иш жойларининг салмоқли қисми қиллоқ жойлариди яратилаётгани, айниқса, қувончлидир. Худудий дастурлар доирасида истиқболли лойиҳалар амалга оширилаётгани, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик ҳамда касаначилик каби муҳим соҳалар ривожлантирилаётгани бунда асосий омил бўлаётир. Натижада аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми, жумладан, ёшларнинг бандлигини таъминлашга эришилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ СИЁСАТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ РОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давра суҳбатда аёлларнинг жамиятни демократлаштириш жараёнидаги роли ва иштирокини янада кенгайтириш, хотин-қизларда етакчилик қобилиятини шакллантириш каби масалалар муҳокама қилинди, Ўзбекистон ва Германиянинг бу борадаги тажрибаси юзасидан фикр алмашилди.

— Хотин-қизларнинг давлат ҳокимияти ва жамиятдаги ўрнини мустақамлаш долзарб аҳамиятга эга, — деди Германия Бундестаги депутаты, «ФР — Марказий Осиё» парламент гуруҳи раиси ўринбосари Уте Кумпф хоним. — Ушбу давра суҳбати Ўзбекистон ва Германияда аёллар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар билан танишиш, ўзаро ахборот ва тажриба алмашиш имконини бергандан жуда мамнунимиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири.

“Нукус — Тўрткўл” автомобиль йўли ёқасида жойлашган Қоратов шахарчаси йилдан-йилга ободонлашиб, саноати ривожланиб бормоқда. Зеро, ҳозир бу ерда бир неча йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатаётди. “Титан ДСЗ” масъулияти чекланган жамияти ана шундай корхоналардан биридир. Яқинда амалга оширилган кенг кўламли модернизация ишлари натижасида бу ерда ишлаб чиқариш жараёни Хитойнинг замонавий технологияси асосида юритила бошланди. Бир неча янги техникалар ўзлаштирилди. Ўнлаб маҳаллий ёшлар иш билан таъминланди. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ортди.

МОЛИЯВИЙ КЎМАК — ТАДБИРКОРГА МАДАД

Янгиликлардан сўнг корхонада тайёрланаётган маҳсулот тури кўпайганлиги ҳам эътиборга лойиқ. Бу ерда қисқа фурсатда шағалдан ташқари 127 тонна маъданли кукун ишлаб чиқарилди. Йўл қурилишида жуда зарур бўладиган ушбу маҳсулотга талаб тобора ортиб бормоқда. Бундай хайрли ишлар учун Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Қорақалпоғистон бўлими томонидан 570 минг АҚШ доллари миқдорда молиявий кўмак берилди.

Банк кредитидан Нукус шаҳридаги “Агроинтехника” ММТП корхонаси ҳам самарали фойдаланиб келмоқда. Ажратилган 2,2 миллион сўмлик кредит маблағи эвазига мазкур корхонадаги барча мавжуд қорхона ва бошқа техникалар учун эҳтиёт қисмлар келтирилди. Қуни кеча бошланган галла ўрми-йиғим мавсумига уларнинг барчаси тахт қилиб қўйилган эди.

Банк жамоаси, айниқса, Ки-

чик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилда бу борадаги фаолиятини кучайтирди. Мисол учун Нукус шаҳрида фаолият кўрсатаётган “Гулчеҳра Саодат” масъулияти чекланган жамиятида банкнинг 80 миллион сўмлик молиявий ёрдами боис эндиликда қунига 3500 дон қолип-ли нон ва 2500 дон обинон тайёрланаёпти. Ушбу маҳсулотлар тез орада харидорлар эътирофига сазовор бўлди. Тадбиркор Ражаббой Қурбонниёзов етакчилигидаги мазкур корхонада 15 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. Дадил оқимлаётган ана шундай корхоналардан яна бири “Амирхон Нукус” масъулияти чекланган жамиятидир. Бу ерда айна пайтда 100 миллион сўм кредит эвазига 15 та иш ўрни яратилган бўлиб, улар паррандачиликни ривожлантиришга муносиб улуш қўшмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-ов-

қат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, банк томонидан жами 1,331 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Бундай имкониятдан фойдаланган “Бакқош МБ” масъулияти чекланган жамияти жамоаси 60

Интилиш

миллион сўмлик кредит ёрдамида ҳар хил кийим-кечаклар ишлаб чиқармоқда. Қувонарлиси, бу ерда ҳам ўн та иш ўрни яратилди.

Банк томонидан ажратилаётган кредитлардан тадбиркор хотин-қизлар ҳам унумли фойдаланаётгани эътиборлидир. Банкнинг ушбу йўналишга йил бошидан бери ажратган кредитлари миқдори 1 млрд сўмдан ортди. Хусусан, Зулхумор Қутибоева банкдан 129,9 миллион сўм кредит олиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.



Шу асосда ўнга яқин иш ўрни вужудга келди.

— Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, барча манбалар ҳисобидан ажратилган 20,13 миллиард сўм миқдордаги кредит маблағларидан 15 млрд сўми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиялашга ажратилган ва 601 иш ўрни яратилган. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан салкам

2 баробар ортган, — дейди Миллий банкнинг Қорақалпоғистон бўлими бошқарувчиси Нурполат Танабергенов. — Шу давр мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар истиқбол кўрсаткичи 127,4 фоизга бажарилди. Тадбиркорларнинг юртимиз фаровонлиги йўлидаги фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларимизни келгусида янада кучайтирамыз.

Мухтасар қилиб айтганда, Миллий банкнинг Қорақалпоғистон бўлими жамоаси Президентимиз Фармон ва қарорлари, Давлат дастурлари, ўз фаолиятларига оид қатор ҳужжатларда белгилаб берилган кўрсатмаларни ҳаётга татиқ этишда астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ҳидоят АҲМЕДОВ.

24 соат ичида

Жанубий Кореяда “Ил-103” русумидаги ўқув-машғулот самолёти ҳалокатга учради.

Самолёт ҳалокати

Бу ҳақда “Ренхап” ахборот агентлиги хабар тарқатди. Чунчун-пукто музофотидаги ҳарбий ҳаво кучларига қарашли академия яқинида юз берган кўнгилсизлик оқибатида лайнер бортидаги икки киши ҳаётдан қўз юмган.

Вулқон келтираётган зарар

Чилида ҳаракатга келган Пуйеуэ вулқонидан ажралиб чиқётган куюқ тугун тобора кенгроқ худудни қамраб олмақда, дейилади “Франс Пресс” ахборот агентлиги хабарида.

Жумладан, у Австралияга ҳам етиб борган. Натижада мазкур давлатнинг Аделаида, Канберра, Мельбурн ва Сидней каби шаҳарларидаги аэропортларда парвозлар вақтинча тўхтатилган. Метеорологлар бундай ҳолат бир неча кун давом этишини билдиришмоқда.

Элик йиллик “уйку”дан сўнг шу ойнинг бошида қайта уйғонган Пуйеуэ вулқони Чили ва ўнга қўшни мамлакатларда кўплаб нуқулйликларни келтириб чиқарди. Хусусан, табиий офат туфайли Жанубий Америка давлатлари авиакомпаниялари сезиларли даражада зиён кўрди. Шунингдек, вулқон яқинида яшовчи тўрт минг нафардан зиёд одам бошқа жойга қўчирилган.

Қўпоровчилик оқибати

Ироқнинг Ал-Дивания шаҳрида қўпоровчилик ҳаракати содир этилди.

Хабарларга қараганда, бу ердаги Қодисия музофоти губернаторининг резиденцияси олдида машина портлатиб юборилган. Хунрезлик оқибатида 25 нафар одам ҳаётдан қўз юмган, 30 нафардан ортиқ одам эса тан жароҳати олган.

Қўпоровчилик ҳаракати ким томонидан ва нима мақсадда амалга оширилгани аниқ эмас.

Экспертлар ҳулосаси

Ҳозир дунё бўйича одамлар юқумли касалликларга қараганда бошқа турдаги хасталиклардан кўпроқ вафот этаётган экан.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти экспертлари шундай фикр билдиришмоқда. Тахлилларга кўра, саратон, юрак-қон томир, қандли диабет каби хасталиклар туфайли инсонларнинг ҳаётдан қўз юмиш ҳолати юқори кўрсаткичларни ташкил қилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда турли касалликлардан вафот этганларнинг учдан икки қисмини шундай хасталиклар билан оғриган беморлар ташкил қилган.

Экспертлар тез тарқалувчи касалликларга қарши кураш олиб борилаётган айна пайтда бу жиҳатларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозимлигини таъкидлашаётди.

Қутқарув муваффақиятли якунланди

АҚШнинг Кентукки штатидаги фалокат юз берган қондан уч нафар ишчини қутқариш тадбири муваффақиятли якунланди.

Қончилар 14 соат деганда 180 метр чуқурликдан соғ-саломат олиб чиқилган. Шифокорларнинг сўзларига қараганда, уларнинг аҳволи яхши. Мазкур қоннинг сув қувурларида юзага келган носозлик туфайли унинг чиқши йўллари бекилиб қолганди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

TOShKENT SHAHRIDAgi ONINGLUR MENAJMENTNI RIVJOLANTIRISH INSTITUTE 2011 — 2012 YILNI UCHUN BAKALAVRIAT VA MAGISTRATURA DASTURLARIGA QUNYDAGI JURNALSHLOR BUNNCHA QABUL QILINMOQDA. Includes details about various programs and contact information for MDIS Tashkent.

SIBUZ-INVEST MCHJ advertisement for children's clothing. Features a photo of a child and text: 'Болалар ва ўсмирлар учун КИЙИМЛАР RUDI family Болалар хурсанд бўладилар!'.

Qorako'l Stroy Engineering MCHJ advertisement for polyethylene pipes. Text: 'полиэтилен трубаалар етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади.'.

UZTRANSOAZ advertisement for a gas company. Text: '«ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ Хурматли юртдошлар! Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги 283-Ф-сонли фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг 1 июнидан 1 октябрга қадар республика табиий газ истеъмолчилари тўлиқ хатловдан ўтказилмоқда.'.

Qishloq Qurilish Bank advertisement for a construction bank. Text: 'Qishloq Qurilish Bank OATB «Қишлоқ қурилиш банк» сервер қурилмасини сотиб олиш бўйича конкурс эълон қилади.'.

MEKRLI SAVDO advertisement for a trade fair. Text: '«МЕҚРЛИ САВДО» ШУЪБА КОРХОНАСИ 2011 йилнинг III чорагида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади: мол ёғи, 1-категоришли музлатилган мол гўшти.'.

Қадимда эркаклар бисотидаги олтин тангаларни қийқачга тугиб, белига боғлаб юришар экан. Гўёки шунинг шарофатидан қадлари тик, беллари бақувват, сўзлари ўткир бўлган. Бирор эркакнинг шани, куч-қуввати ҳақида гап кетган пайт тез-тез тилга кўчадиган, белига белбоғи бор, бели бақувват қаби иборалар шу боис дунёга келган бўлса, ажабмас. Демакки, тириклик меҳварига олтин дея аталмиш гаройботда ҳикмат, фазилат туп.

эл сармоялари кириб кела бошлади, кўплаб қўшма корхоналар, завод-фабрикалар ташкил этилди, замонавий технологиялар борасида ҳамкорликлар йўлга қўйилди. Шу-ҳасис, бундай илгор аъёнларни жорий этишда Навоий кон-металлургия комбинати ҳам четда тургани йўқ. Биз юқорида тилга олган, мустақилликнинг илк давридаёқ қад ростлаган 3-Гидрометаллургия заводининг фаолияти ҳам бунга яққол мисол бўла олади.




на бош муҳандиси ўринбосари Ганишер Рўзиев шундай изоҳлайди: — Комбинатимиз таркибидagi оксидли рудаларни қайта ишлашга ихтисослаштирилган бошқа заводлардан фаркли ўлароқ, биз енгил ва

ЙИЛНИНГ ЭНГ УЗУН КУНИ

Мамлакатимиз аҳолиси бугун табиатнинг ажойиб ҳодисаси, яъни йилнинг энг узун кунига гувоҳ бўладилар. Гап шундаки, соат 04.50 да кўтарилган кўёш соат 20.00 да уфққа бoш қўяди.

Кун узунлиги 15 соату 10 дақиқани ташкил этади. Шундан сўнг кунлар қисқариб, тунлар узая бошлайди. Бу юртимизда саратон кирганидан далолатдир.

Саратон ҳижрий-шамсий йил тақвимининг тўртинчи ойи ҳисобланиб, 22 июндан 22 июлгача бўлган даврни ўз ичига олади. У табиатига кўра, иссиқ ва қуруқ келади. Сабаби, бу пайтга келиб, кўёш шимоллий ярим шарнинг энг юқори нуқтасига



кўтарилиб, заминни беаёв қиздиради. Ҳарорат 40-45 даражагача кўтарилади. Шунинг учун ушбу ойни "ёз чилласи" ҳам дейишади.

Жазирама табиғат олган ушбу ойда деҳқонларнинг энг машаққатли меҳнат мавсуми бошланади. Нега деганда, бу пайт қишлоқ хўжалиги экинларининг бир қисми, хусусан, галла ҳосили йиғиштириб олиниб, тақрибий экинлар экилади. Халқимизнинг "Саратон сара экиш, қолаверса тариқ экиш" мақоли шунга ишорадир.

Шу билан бирга, саратон ғўза парваришида энг масъулиятли давр ҳисобланади. Халқ мақолида айтилганидек, "Саратонгача ғўза қаричдан ошса, қўзда хирмон тошади". Шу маънода, юртимиз деҳқонлари "Саратонни иссиқ деб ётма, қўлингдан нақднингни йўқотма" нақлига амал қилиб, унинг ҳар кунидан унумли фойдаланиш пайди бўладилар.

Агротехника тадбирлари сифатли бажарилса, саратон иссиғи экин учун бамисоли малҳам бўлади. Танасига сингган фойдали ҳарорат ҳосилни салмоқдор қилади. Узум, мева, қовун-тарвуз шира тортиб, таркибига шарбат йиғади.

Богбону соҳибкорлар бу ойда суғориш ишларига алоҳида масъулият билан ёндашдилар. Негаки, суғориш кечикса, экиннинг ривожини сусаяди. Мабодо, бу юмуш эрта бажарилса, обиҳаёт исроф бўлади. У ўз вақтида, сифатли амалга оширилса, ҳосилга ҳосил қўшилади, мева болга айланади. Мақолда таърифланганидек, "Саратонда ток суғорса соҳибкор, узуми олдида асал ҳам бекор".

Яна айтишадими, "Яши келса саратон, писанд эмас қахратон". Илоҳим, саратон кўтли келиб, мўл-кўл ҳосил тўплансин. Юртимиздан файзу барака аримасин!

Р. САИДОВ тайёрлади.

Давлат-тижорат Халқ банки жамоаси банк масъул ходими **Абдусамат Раҳимович АРИПОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирди.

Тошкент тўқимачилик ва сенил саноат институти жамоаси Фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси Фахриддин Жониевга падари бузруквори **Қўлдош отанин**г вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

ҳарчиси аҳолисининг бандлиги, тирикчилиги танг аҳволда қолди. Бир пайтлар одамларни қоп-қоп ваъдалар билан чўлу биебонга йўлаган "Марказ" улардан ими-жимиди юз ўғирди. Учқудуқ аҳлини тақдир ҳукмига ташлаб қўйди.

— "Марказ"га фақатгина маъданли қазилмалар керак бўлган экан, бу кун мустақиллигимизни оёққа турғизиш тарихида муносиб ўрин эгаллайди, давлатимизнинг иқтисодий салоҳиятини, унинг жаҳон бозоридagi ўрнини мустаҳкамлайди, деган эди. Ана шу кундан бошлаб юксак сифатли Учқудуқ олтини давлатимиз хазинасига етказиб берилмоқда. Мазкур бунёдкорликнинг яна бир

БЕЛБОҒИ БОР ЮРТ

холос. Улар учун биз, инсонларнинг бир мисқол уранчалик қадр-қимматимиз бўлмади, — дея хотирлайди учқудуқлик меҳнат фаҳрийси Виктор Кузьмин. — Ўзбекистон мустақиллиги туфайлигина елкамизга офтоб теғди.

тарихий, ҳайратланарли жиҳати шундаки, собиқ иттифоқ парчаланиб, кўпгина республикалар ҳали ўз ички низолари исканжасида гангиб турган бир пайтда аллақачон барқарорлик йўлига кирган Ўзбекистон белига белбоғи бор юрт эканини дунё аҳлига намойиш этди. Уша кезлар собиқ "Марказ"нинг юксак минбарларида туриб, Ўзбекистон бизсиз эмаклаб қолади, дея ай-қўханнос солаётган баъзи бир амалдорларнинг пуч даъволари чиппака чиқди.

хона ишлаб чиқаришни илгор, замонавий технологиялар асосида ташкил этган.

— Бизнинг завод сульфидли маъданлар таркибидан олтин ажратиб олишга ихтисослаштирилган илк корхонадир, — дейди фаҳр билан 3-Гидрометаллургия заводи директори Неъматилло Аҳатов. — Мазлумки, ер қатламидан қазиб олинаётган, таркиби жуда қаттиқ ва мураккаб бўлган сульфидли маъданларни одатдаги усулларда қайта ишлаб бўлмайди.

2005 йилнинг 12 апрелидан бошлаб "Кўкпота" ва "Даугиста" конларидан қазиб олинаётган сульфидли рудани қайта ишлайдиган комплекс қурилиши бошланди. Ушбу комплекснинг биринчи навбати 2008 йилда қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунинг алоҳида эътирофи эшит керакки, мазкур биотехнология дунёнинг етакчи олтин ишлаб чиқарувчи корхоналарида қўлланилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Ушбу биооксидланиш нима? Бу экологик тоза, арзон ва қулай технология бўлиб, унинг ёрдамида табиий йўл билан сульфидли маъданлар оксидланади, сўнгги таркибидан олтин ажратиб олинади.

Биз таърифлаётган 3-Гидрометаллургия заводини мутахассислар эркалаб "Келажақ заводи" деб ҳам аташади. Бунинг маъносини корхо-

тез сўраётларда сульфидли рудалар таркибидан олтин ажратиб олиш технологиясига ўтдик ва мазкур соҳада катта тажрибага эга бўлдик. Бу борада бугун тўплаётган билим ва кўникмаларимизни эртага бошқа ҳамкасблар билан бирга баҳам қўришга тайёرمىз. Корхонамизнинг "Келажақ заводи" деб аталишига биринчи сабаб шу, иккинчидан эса...

Дарҳақиқат, иккинчи сабаб изохларсиз ҳам шундоққина кўриниб турибди. Бу ерда меҳнат қилаётган мингдан ортиқ жамоанинг қарийб етмиш фоизи ёшлар, мустақилликнинг мусоффо ҳавосида униб-ўсган навқирон авлод...

Уларнинг каттагина қисмини ўзимизнинг қоракўз, қоракўш йигит-қизлар ташкил этади. Худди шу далилнинг ўзи ҳам Мустақиллик бизга нечоғли бебаҳо неъмат ато этганини билдиради. Ҳолбуки, собиқ тўзум пайтида бундай улкан, мураккаб санаот корхоналарига ишчи-хизматчиларни, асосан, Марказдан йўллашар, маҳаллий халқ вақилларига нописандлик билан қарашар эди.

Айни кунда бу ерларда байрам шўқуи кезиб юрибди. Учқудуқликлар ҳам Мустақилликнинг кўтлуг 20 йиллик тўйини нишонлашга қизгин тараддуқ қилишяпти. Нима ҳам дердик, белига белбоғи бор, қадди тик, гурури баланд юртнинг икболи порлоқ халқига байрамлар ярашади.

Луқмон БҮРИХОН, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Тиббиётимизнинг улкан ютуқлари

эл саломатлигини асраш ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда

Юртимизда эл саломатлигини асраш, маънан ҳамда жисмонан баркамол авлодни вояга етказишдек устувор мақсад йўлида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Биобарин, Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат тадбирига мувофиқ, мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг ўзига хос миллий модели шакллантирилганлиги тиббиётимиз ривожига ва унинг ютуқлари жаҳон миқёсида тан олинмишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда ҳам шу хусусда сўз борди. Тадбирда соғлиқни сақлаш тизими мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар.

Матбуот анжуманида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. Икромов ва бошқалар таъкидлаганидек, мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш йўлида амалга оширилган тадбирлар самараси арзигулик шарт-шароитлар яратилган замонавий шифо мас-

канлари фаолияти йўлга қўйилди. Биргина қишлоқ врачлик пунктлари жаҳон андозаларига тўлиқ мос келадиган тиббий муассасага айланиб бораётганлиги бунинг ёрқин тасдиғидир.

Сўнгги йилларда республикамизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича яхлит бир тизим яратилди. Бу барча вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида скрининг марказлари ташкил этилиб, улар фаолияти такомиллаштирилганлиги мисолида намойён бўлмоқда. Шу билан бир қаторда, жойларда перинатал марказлар тармоғи ҳам жадал ривожланаётди. Жумладан, сўнгги ўн йил ичида мамлакатимизда 11 шундай марказ ташкил этилди. Утган йилнинг ўзида ушбу тиббий масканларда 158 миң нафардан зиёд она ва бола тиббий қўриқдан ўтказилди. Шу ўринда кенг жамоатчилик орасида тиббий маданият даражасини юксалтириш борасидаги ушбу чора-тадбирлар натижасида айни пайтга келиб, юртимизда оналар ва болалар ўлими да-

ражаси қарийб уч баробарга кайтаганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Жорий йилда республикамиздаги 100 та давлолаш муассасасида қурилиш ва реконструкция ишлари жадал суръатда олиб борилмоқда. Қувонарлиси, мазкур шифо масканларининг аксарияти мустақиллигимизнинг 20 йиллик шодийёналарига арафасида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Жумладан, республика ихтисослаштирилган Эндокринология, Фтизиатрия ва пульмонология ҳамда Педиатрия илмий-амалий марказларида таъмирлаш ишлари якунланиб, улар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланади. Шунингдек, республика ихтисослаштирилган Жароҳлик илмий маркази таркибидан янги кардиокардиология бўлими қуриб битказилади.

Ана шундай ижобий кўрсаткичлар ҳамда тизимдаги долзарб масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилган матбуот анжуманида журналистлар ўзлари қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» муҳбири.

Advertisement for pumps and machinery with images of industrial equipment and technical specifications.

Advertisement for O'ZSANOATQURILISHBANK, featuring a table of services and contact information.

Footer area containing contact information for the newspaper, including phone numbers, address, and subscription rates.